

МАЪНАВИЯТ - ЭЛЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Худайназаров Самад Худайбердиевич

ЎЗМУ доценти

Аннотация

Бугун дунё миқёсидаги глобаллашув, ахборотлашув, интеграциялашув тобора жадаллашиб, турли маданиятлараро ўзаро туташлик ҳосил бўлаётган чорраҳада инсон ва унинг битмас-туганмас хазинаси маънавият ва маърифатга эҳтиёж янада ортмоқда. Зеро, инсон она заминнинг қайси бир гўшасида яшамасин унинг маънавий ва маърифий дунёси қанчалик юксак бўлса, унинг умумдунё тараққиёти ютуқларидан оқилона фойдаланиши ва унга ҳисса қўшишга имкониятлари шунча каррага ортиб боради.

Калит сўзлар: глобаллашув, ахборотлашув, инсонпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат.

Маънавият ўз тизимида энг гўзал инсоний фазилатлар: - инсонпарварлик, ўзаро меҳр-оқибат, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, вафо, садоқат, муҳаббат, саховат, ҳиммат, адолат, диёнат, раҳм-шафқат, поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, шукуроналиқ, қаноат, ишонч, эътиқод, мардлик, шижоат, бағрикенглиқ, вазминлик, хушхулқлик, мулойимлик, латифлик, иффат, ибодат, камтарлик, камсуқумлик, тежамкорлик, одоб-ахлоқ, ота-онага, кексаларга, аёл зотига ҳурмат, баркамоллик, комиллик, илм-маърифатли бўлиш кабиларни жамулжам этган ҳолда инсон унинг борлиғига беқийс маъно ва мазмун бахш этади. Модомики, “Маънавиятсизлик ва ғоясизлик ҳар қандай жамиятни таназзул сари етаклаши, давлат сиёсати ва бошқарувини кучсизлантириши, коррупция, жиноятчилик ва ахлоқсизлик каби иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлиши билан боғлиқ мисолларни инсоният тарихидан кўплаб келтириш мумкин”.¹

Маънавият нури билан суғорилган маърифий қадриятлар, маданий бойликлар ҳамиша боқийликка дахилдор бўлиб, инсон камолотига қанотдир. У инсон ақлини тоблаяди, уни юксалтиради, амалининг эзгуликка, бунёдкорликка, ижодкорликка, қалбини эса покликка ва гўзалликка йўналтиради.

Маънавият ўз соҳибини ўтгувчи умр йўлларида огоҳ ва бедор, покидомон бўлишга, ўзлигини ички идрок, фаҳм-фаросат ила тафаккур қилишга, инсонийликка зид иллатлар: илмсизлик, нодонлик, жоҳиллик, мунофиқлик, риёкорлик, икки юзламачилик, виждонсизлик, вафосизлик, ҳаёсизлик, товламачилик, ўғрилиқ, зино, ёлғончилик, шартида турмаслик, гина-адоват, кек, хусумат, ҳасад, ғийбат, фитна, хиёнат, разиллик, бахиллик, зулм, нопоклик, ноҳақлик, очкўзлик, таъмагирлик, исрофгарчилик, итоатсизлик, бидъат, хурофат, чақимчилик, кибр, мақтончоқлик, таккабурлик, манманлик, шуҳратпарастлик, дунёга ҳирс қўйиш ва бошқалардан ҳимоя қилишга, оламга, инсон фелидаги қусурларга холис назар ташлашга ундайди.

Маънавиятга муҳаббат - бу ҳаётга, тинчлик ва тотувликка, бунёдкорлик ва ижодкорликка, яратувчилик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка муҳаббатдир. Маънавият инсоннинг миллатидан, ирқидан ва диний мансублигидан қатъи назар, унинг қадр-қимматини улуғлашга, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, безаволлик, дахилдорлик каби эзгуликни сочади ва уларга инсон қалбидан эшик очади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. –Б. 272.

Маънавият - она замин фарзандини жинси, ирқи, миллати ёки диний эътиқодига қараб эмас, балки уларнинг ҳазрати инсонийликка хос ҳислатларини юзага чиқаради. Маънавият эларни зидлаштирмайди, балки бирлаштиради.

Манбаларда келтирилишича, инсоният ер юзида пайдо бўлганига 5-6 миллион йилдан ортиқ вақт ўтаётган бўлса-да, унинг ўз маданиятини яратиб, маънавий борлигини тугал англаб бораётганига унча кўп вақт бўлган эмас. Модомики, бугун инсониятни ўйлантираётган, ташвишга солаётган ва қийнаётган аксарият глобал муаммоларнинг асл сабаби бевосита инсоннинг маънавий масъулиятсизлигига бориб тақалади.

Инсонийлик ҳилқатида ҳали-ҳамон маънавият деган учқун бор экан, уни ҳазрати инсон бўлишига умидлар бисёр. Зеро, маънавият бўстонидаги теран фалсафий қадриятлар, бу уммонидаги дур-жавоҳирлар хазинаси ҳамиша инсон зотини илм-маърифатга, ҳикмат-у ҳидоятга, камтар-у камсуқумликка, тежамкорлик ва оқилоналикка, бу гўзал борлиқ сир-синоатларини теран англашга, унданда эстетик завқу-шавқ олишига, табиий борлиқни асраб-авайлашга, ўткинчи дунёда бир - бири билан аҳл ва иноқ, ҳамдам-у ҳамкор бўлишга, башарият, халқ, миллат ва келажак ҳамда борлиқ ҳақиқати олдида пок тийнатли бўлишдек эзгу инсоний фазилатлар томон чорлаб келаётгани айни ҳақиқатдир.

Маънавият - инсоний иллатлар кушандасидир. У инсонни феълидаги кўзи очлик, пулга тўймаслик, шайтоний ва шаҳвоний нафс, кибри-ҳаво, манманлик, фисқу-фужур каби иллатлардан холос этиб, тўғрилиқ, ҳақгўйлик, адолат, диёнат, имон, виждон, поклик, қалб ва ақл уйғунлигига, илм-маърифат уйғунлигига йўл солади.

Бизнида ўраб-чимраётган катта-ю кичик турли муаммолар гирдобининг туб илдизлари аввало, маънавий номукаммаликни, маънавиятга зид қусурлар маҳсулидир. Зеро, одамзот маънавияти юксалмаса - олам юксалмас. Шу боис, ҳар бир инсон қалби ва онгида маънавият ва маърифат чироғи нур сочмоғи, ҳеч бўлмаганда милтирамоғи даркордир. Чунки маънавият инсоннинг эзгулик йўли, одоб ва ахлоқи, эстетик ҳис туйғуси, ақли ва руҳининг безавол тарбиячидир. Унинг силсиласида ҳамиша инсониятнинг ёрқин келажак ҳақидаги эзгу идеаллари, ёрқин тасаввурлари, ширин орзу-ҳаваслари ва улуғвор режалари ўз мужассамини топади.

Маънавият - инсониятнинг ёрқин келажagini кафолатидир. Маънавиятга эътибор – келажакка, такомил ва тараққиётга эътибордир. Келажак эса, бугундан бошланади.

Инсоният аждодлари томонидан мисқоллаб тўпланган маънавий жавоҳирот одамзот омонлигини таъминлаш муҳим омили бўлиб келди ва ҳамон шундай функционал вазифани беминнат адо этмоқда. Бу улкан маънавий бойликни турли центризмларга, изимларга тиқиштирмасдан умумбашарият мулки сифатида баҳрамандлик оқилоналикдан даракдир. Зеро, маънавият шахснинг ва жамиятнинг инсонийлашиш даражасидир². Агарки “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир”³.

Бугун бунини биз қай даражада тан оламизми ёки йўқми инсониятнинг маънавиятга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам минг чандонга ортди. Бунини сабаби **бир томондан** - глобаллашув, ахборотлашув, АКТ мўтасил ривожини, ахборотларни қайта ишлаш ва узатиш каналлари компьютер, интернет, ижтимоий тармоқлар кўпайиши, электрон ОАВ, “ахборот портлаши” кабиларни вужудга келгани, айниқса ёшлар орасида виртуал қарамлик, тутқинликни тобора

² Қаранг: Эркаев А. Маънавиятшунослик. 1-китоб. –Т.: Маънавият, 2018. –Б.8

³ Мирзиёев Ш.М.. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. –Б. 267.

ортиб бориши, “оммавий маданият”нинг таъсир кўламини оқибатларини сезилиши, ноосферага шайдолик кучайиб бориш; **иккинчи бир томондан** - демократия, эркинлик, бозор-пул муносабатлари, даромад олиш илинжи ва иштиёқи, илм-фан ютуқларини тижоратлаштиришда маънавий мезон талабларни баъзан ҳисоб олинмаётганлиги кабилар баъзан тарихан шаклланиб келган мумтоз инсоний хислатлар тобора бегоналаштиришга йўл очмоқда. Ўйлаймизки, бу ҳолатлар жаҳоний миқёсида маънавий тарбия масаласига эътиборни янада долзарблаштиради ва тарбия концепцияларини, методологияси ва амалиётини глобаллашув ва ахборотлашув даври талабларига мувофиқ ривожлантиришни тақозо этади⁴. Зеро, маънавият инсон-жамият ва табиат, башарият ва миллат муносабатларини мувозанатга келишида, уйғунлаштиришда муҳим омилдир.

Инсониятнинг замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиши, илмий-техника тараққиёти ютуқларини кенг кўламда турмушга жорий қилиш, турмушни ҳозирги замон тамаддунига мослаштириш дунё халқларни миллий қиёфасидан, маданиятини ўзига хослигидан жудо қилмаслиги даркор⁵.

Инсон маънавияти билан ҳайвондан, жамият эса табиатдан фарқ қилади. Маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг эзгулик, меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ундан завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний ҳислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштарақлик касб этган тизимидир ҳамда уларни яратиш жараёнидир. Демак, маънавият бу инсонга хос ижобий ҳислатлар, фазилатлар мажмуидир. “Инсон онгли фаолиятининг, тафаккур салоҳиятининг ҳар қандай шакли маънавият бўла олмайди. Инсон руҳий оламидаги муайян ижобий ижтимоий аҳамият касб эта оладиган фазилатларгина маънавият деб аталади”⁶.

Эътиқодсиз маънавият бўлмайди. Эътиқод маънавиятнинг энг асосий устунларидан биридир. Носоғлом маънавий муҳит одамларни бир-биридан бегоналаштиради, ўзаро ишончни, меҳр-оқибатни сусайтиради, ижтимоий кўрқувни кучайтиради.

Маънавий қадриятлар силсиласи инсонни камолотга, маърифий уйғоқликка, маданий юксакликка чорлайди. Маънавий қадриятлар кишидаги илм-маърифат ҳамиша эзгуликка хизмат қилмоғи ва инсон эса ўз умрини фақат яхшиликка сарф этмоғи кераклигига даъват этади. Боринки инсон, яхшилик қилишга қодир бўлмаса, у ҳолда лоақал ёмонлик қилмасликни касб этиши, кишиларга озор бермаслиги зарурлиги маънавиятдандир. Бу борада сўз мулкини султони, ҳазрат Алишер Навоий шундай деганлар:

Яхшилик гар айламасанг иш чоғи,

Айламағин бори ёмонлик доғи...

Асра ўзунгни биров озоридин,

Кимсага озурдалиқ изҳордин⁷.

⁴ Қаранг: Эркаев А. Маънавиятшунослик. 1-китоб. –Т.: Маънавият, 2018. –Б.5

⁵ Қаранг: Эркаев А. Маънавиятшунослик. 1-китоб. –Т.: Маънавият, 2018. –Б.9

⁶ Юсупов Э. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. Хужанд: 1996.-Б. 2.

⁷ Қаюмов А. Ҳайратул-аброр талқини. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. - Б. 143.

Маънавияти юксак одам, худди олам нақши кабидир. Маънавияти юксак одам фақат ўзини демайди. Балки, элу-юрт, банибашар дарди билан ҳам яшайди. Зеро, А.Навоий ҳазратлари келтирганидек:

“Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами”⁸.

Маънавият нури билан суғорилган қадриятлар, илм-у маърифат заминни севишга, юртни ардоқлашга, одамлар корига ярашга, жоҳиллик ва жаҳолатни бағрини тилишига, бой илмий - ижодий, моддий инновацион яратувчиликка, тараққиётга, эзгуликка, умумбашарият манфаатлари бирлигига чорлайди.

Шарқ ва Ғарб маънавий тафаккур хазинаси ниҳоятда бой, теран ва қадимий илдизга эга бўлган ҳолда азал-азалдан бир-бирини доимо тўлдирган, бойитган ва ривожлантирган. Бу борада фикр юритганимизда кўз ўнгимизда қадимги Юнон фалсафий тафаккур дурдоналари, қадимги Туронликларнинг “Авесто”, Монийлик асоси “Хуастуанифт”, Кайковуснинг “Қобуснома”, қадимги Бобиликларнинг “Гельгамеш” эпоси, қадимги Мисрликларни “Майитлар китоби”, қадимги Ҳиндларнинг “Патанжали”, “Калила ва Димна”, қадимги хитойликларни беқиёс афсоналари ва Конфуций ўғитлари ва шунингдек, Афлотун, Арасту, Эпикур, Цицерон, Сенека, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ғазолий, Августин, Саъдий Шерозий, А.Жомий, А.Навоий, Спиноза, Кант, Ҳегел, Фойербарх, Нитцше, В.Соловьёв сингари буюк алломалар мероси кабиларни узоқ санашимиз мумкин. Энг муҳими уларнинг маънавий моҳиятидаги фикрлар инсонни ҳамиша эзгуликка, такомилга, маънавий огоҳлик ва масъуликка чорлаши билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”да турли касб-у кор, тоифа эгаларига хос яхши-ю ёмон, айб ва нуқсонлар ҳар жабҳада гоҳ ҳалимлик билан, гоҳ аччиқ танбеҳ билан бир-бир таҳлил этилиб, тилга олинади-ки, ундан ҳарким ўзига тегишли хулосалар чиқаради, маънавий озиқлар олади. Бу асарда айниқса, деҳқон ва дарвиш (зиё аҳли) улуғланади. Чунки уларнинг қиладиган ишида таъма йўқ. Халқнинг ва жамики тирик жоннинг маъмурлиги - деҳқон меҳнатидан, зиё аҳлининг шарофатидандир. “Деҳқонки ер очар, шу билан элга ризку рўз сочар...”. Демакки, жамики инсоний касбкорга хос яратувчилик моддий фаровонликка, маънавий юксакликка хизмат қилмоғи даркор.

Умумлаштириб айтганда, миллий, минтақавий ва умумбашарий мавжуд муаммолар ечимида ҳамда узлуксиз тараққиёт такомилда маънавиятдан-да кучлироқ, қудратлироқ яна бир куч йўқ. Чунки маънавият одамийликнинг юксак нишонаси, у билан-да инсон олам гултожиси, меҳваридир. У элларни ўзаро меҳр-муҳаббат асосида бирлаштиради ва ҳазрати инсонийликнинг энг юксак чўққиларига олиб чиқади. Бугун Янги Ўзбекистонда ислохотлар узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил, асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилган⁹ чорраҳада маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 даги

⁸ Навоий А. Хамса. қискартириб нашрга тайёрловчи А. Ҳожиаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. - Б. 5

⁹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг сайланган президенти Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқидан. <https://kun.uz/news/2021/11/06/>.

Қарори¹⁰ ҳамда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарларида илгари сурилган бу борадаги фикрлар, ғоялар ва бошқалар шулар сирасидандир. Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек; “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодийётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият”** концепциясини амалга оширамиз”¹¹.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, умумдунё маънавий бисотидаги хазиналарни илмий ўрганиш, ижтимоий тафаккур ривожига йўналтириш, интеграцион таъсир кўрсатиш механизмлари очиш, инсон тарбияси, камолотидаги ўрнини функционал жиҳатларини ёритиш нафақат миллий, минтақавий балки умумбашарий аҳамиятга моликдир.

Инсон дунёни қайси гўшасида яшамасин маънавий борлиқни англаб етиш орқали - ўзлигини англаб етади. Бу эса, маънавиятга зид ҳолатлар олдини олишда, инсонлараро меҳрли муносабатларни юксалишида, ҳаёт манбаларига оқилона муносабатларни янада соғломлашиши ва такомиллашишида, илм-фан, техника ва технология ютуқларини инсоният манфаатларига тугал йўналтиришда, глобал характердаги муаммоларни биргаликда ечишда, олам тилсимларига маърифий ёндошувларни янада ортишида, инсон манфаатларга хизмат қиладиган инновацион ғоялар, ақлий, ахлоқий, фалсафий, қарашларни юксалишида, чексиз галактикалар миқёсида инсон шаъни-шарафини улуғлашдек комиллик камолотига интилишларга беминнат хизмат қилади ва бу эзгуликка ҳамиша эшик очади.

Умумбашарий маънавий қадриятлар инсонга ўз моҳиятини теран англашга, ҳақ ва ҳақиқатни билишга, баркамолликка, комилликка эришишида беминнат устоз вазифасини ўтайди ва маънавият нури билан суғорилган илм-маърифат, зиё инсон қалбини ёритиб унга эзгулик ато этади ва соғлом муҳитни авайлашда қанот бўлади. Инсоннинг ҳиммат-у шижоатга, илм-маърифатга, яратувчиликка чорлайди.

Соҳа олимлари таъкидлаганидек; жаҳон илмида инсон маънавиятини “Маънавиятшунослик” фани контекстида ўрганиш янада зарурат бўлиб, умумбашарият хазинасидаги маънавий жавоҳиротлардан кенг фойдаланиш глобал миқёсда илдиз отиш мумкин бўлган инсоният маънавияти ва ахлоқига зид хавфу хатарларни олдини олишда, терроризм, фундаментализм, экстримизм, зўравонлик, ирқчилик, миллатчилик, “Оммавий маданият” каби бузғунчи ғоя, қарашларга қарши курашишда таянч ҳамда суянч бўлади.

Умумбашарият эътироф этган демократик қадриятларни тугал тантана қилишида, жамият ўзини ўзи эркин бошқаришида, кишилиқ жамиятининг барча соҳалари ривожидида маънавият доимо локомотив функционал вазифани беминнат, иқтисодий камҳаражат, самарадорлиги юксак даражада бажаришга ҳамиша қодир бўлиб келган, бугун ҳам шундай.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

¹⁰ Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 26.03.2021 Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. <https://uza.uz/uz/>

¹¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараккиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз <https://president.uz/uz//> 06.11.2021

Биринчидан, жамият кишиларида ва айниқса ёш авлодда умумбашарият маънавий меросига садоқат руҳини янада мустаҳкамлаш, маънавий нури билан суғорилган илм-маърифатига шайдолигини ошириш, барча соҳалардаги инновацион кашфиётларга инсон манфаатлари нуқтаи назаридан оқилона баҳо бериш, ёндошиш маънавий маданияти ва масъулиятини кучайтириш даркор;

Иккинчидан, глобаллашув шароитида турли халқ маънавий бисотидаги маънавий-маърифий кадриятларни юзага чиқаришни замонавий, самарали йўллари излаб топиш, такомиллаштириш, уни моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътиборни янада ошириш лозим.

Учинчидан, юксак маънавий идеалларни ўзида ифодалаган жаҳон маданияти дурдоналарини бошқа тилларга ўгириш, саралаш ва электрон қўлланмаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, икки уйғонишни бошлаб берган ва учинчи уйғонишга тамалтоши қўяётган халқимизнинг жуда бой маънавий меросини дунёга етказиш;

Бешинчидан, инсон маънавий дунёсини бойитишга йўналтириладиган маънавий мероснинг умумэҳтироф этган назрий-методологик асосларига эътибор ошириш, тарғиб ва ташвиқ этиш комплекс дастурини ишлаб чиқиш даркор.

Юқоридагиларни амалга ошириш ўйлаймизки, турли-туман муаммолар гирдобиди тобора мўртлашиб бораётган дунёни асраб-авайлашда, ўзаро тинчлик ва тотувликни, тараққиётни таъминланишида муҳим омиллар бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи //«Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь.
3. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 26.03.2021 Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. <https://uza.uz/uz/>.
4. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқидан. <https://kun.uz/news/2021/11/06/>.
5. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 26.03.2021 Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. <https://uza.uz/uz/>.
6. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз <https://president.uz/uz//06.11.2021>.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизнинг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. -592 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2018. – 508 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улу, ҳаёти ёруғ ва келажакни фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2019. -400 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан –милий юксалиш сари.–Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2020. – 456 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
13. Эркаев А. Маънавиятшунослик. 1-китоб. –Т.: Маънавият, 2018.
14. Навоий А. Хамса. қисқартириб нашрга тайёрловчи А.Ҳожиаҳмедов; масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
15. Юсупов Э. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. Хўжанд: 1996.
16. Қаюмов А. Ҳайратул-аброр талқини. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977.

Интернет материаллари:

1. <https://president.uz/uz>
2. <http://e-adabiyot.uz>
3. <http://e-tarix.uz>
4. <http://www.nuu.uz>
5. <http://kitobxon.com/>
6. <http://www.falsafa.uz>.
7. <http://www.lex.uz>
8. www.edu.uz
9. www.ma'naviyat.uz
10. www.Madaniyat.uz
11. www.Ziyonet.uz
12. www.bilim.uz.
13. www.ziyouz.uz
14. www.islom.uz